

- бевосита зидлик шундаки, ушбу тушунчада мавжуд бўлмаган белги ифодаланиши мумкин:
(as) drunk as a boiled owl («гипт маст»);
walking corpse («юрадиган скелет»; «тирик ўлик»);
бу ФБ оксюморон ҳисобланади.

Шунга ўхшаш ФБ ларнинг қайта мушоҳада этилиши индивидуал-муаллиф оборотидан дарак олган. Бу ҳодиса иккинчи номинация ҳисобланиб, у контекст билан боғлангандир.

Қиёс: the green – eyed monster («кўк кўзли махлуқ», «рашк», Шекспиризм «Отелло» га бориб тақалади).

Агар бу ФБ бўлса, индивидуал-муаллиф оборотларидан фарқ қилган ҳолда тургун бирикма сифатида кенг қўлланилади ва ягона қўлланилиш билан чекланиб қолмайди.

Бошқача айтганда, иккинчи фразеологик қайта номинацияга эга бўлганда, қайта фикр қилиниш тушунча маъносининг кенгайиши унинг бирикиш доирасининг кенгайиши оқибатида содир бўлган.

ФБ маъносини қайта тушуниш уни оккозионал қўллашда учраши мумкин. ФБ қўлланишини қиёсланг:
a black sheep («бузғунчи қўй») қуйидаги контекстда:

Адабиётлар

1. Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. -М.: Яз.рус.культуры,1999. –С. 895.
2. Грушевицкая Т.Г. Основы межкультурной коммуникации. - М.: «Гнозис», 2002. –С. 410.
3. Гудков Д.Б. Теория и практика межкультурной коммуникации. - М.: «Гнозис», 2003.-С. 299.
4. Дубова М.Е. Структурно- семантический анализ фразеологического поля «речевая деятельность» в русском языке в сопоставлении с английским: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. - Кострома: КГПИ, 2009. 14-б.
5. Ковшова М.Л. Культурно-национальная специфика фразеологич
6. еских единиц: Когнитивные аспекты: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук.- М.: МГУ, 1996. –С. 22.
7. Кунин А.В. Курс фразеологии современного английского языка. - М.: «Высшая школа». - Дубна: «Феникс», 1996. 119-б.
8. Маслова В.А. Лингвокультурология.- М.: Изд. Центр Академия, 2001.14-15-б.
9. Михайлова О.А. Фразеологическое поле «прекращение жизни человека» в русском и английском языках: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. - Санкт-Петербург: СПбГУ, 2005. –С. 15.
10. Тарасова Ф.Х. Сопоставительный анализ фразеологических единиц английского и татарского языков с компонентами, относящимися к фразеосемантическому полю «Пища»: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук.- Казань: КГУ, 1999. –С. 24.

РЕЗЮМЕ. Мазкур мақолада маданиятлараро мулоқотда фразеологизмларнинг ўрни ва дунёнинг олам манзарасини лисоний нуқтаи назардан ўрганишда антропоцентрик тамойилларнинг хусусиятлари таҳлил қилинади ва маданиятлараро мулоқот тушунчасининг таърифи ва дунё тилшуносларининг фразеология соҳасига оид билдирган фикрлари ўрганилган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье анализируются роль фразеологизмов в межкультурной коммуникации и особенности антропоцентрических принципов в изучении картины мира с лингвистической точки зрения, а также определение понятия межкультурной коммуникации и мнения мировых лингвистов в данной области.

SUMMARY. In this article analyzes the role of phraseologisms in intercultural communication and the features of anthropocentric principles in studying the picture of the world from a linguistic point of view and the definition of the concept of intercultural communication and the opinions expressed by world linguists regarding the field of phraseology.

РАНГ ИФОДАЛОВЧИ ЛЕКСЕМАЛАРНИНГ ИНГЛИЗ ВА ҚОРАҚАЛПОҚ ЛИНГВОМАДАНИЯТИДА КОНЦЕПТУАЛЛАШУВИ

З.О.Худайбергенова – мустақил тадқиқотчи

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Таянч сўзлар: ақ, қара, white, black, лингвомаданият, ранг маънолари, концепт, коннотация, паремиологик бирикма.

Ключевые слова: белый, черный, white, black, лингвокультурология, цветовые обозначения, концепт, коннотация, паремиологические сочетания.

Key words: white, black, linguocultural, color designations, concept, connotation, paremiological combinations.

Маълум бир халқнинг маданиятидаги тушунчаларни аниқлашда инсон ва у ишлатадиган тил уртасидаги муносабат муҳим ҳисобланади. Инсоният тил орқали ўз маданиятини акс эттиради ва шу орқали маълум концептуал тушунчаларни пайдо этади. Тадқиқ қилинаётган инглиз ва қорақалпоқ тилларида ҳар хил концептуал тушунчалар мавжуд ва шулардан рангги ифодаловчи тушунчалар иккала халқ маданиятини акс эттиришда муҳим аҳамият касб этади. Мавжуд бўлган ранглар инсон онги билан боғлиқ бўлиб, улар маълум маданиятни ифодаловчи хусусиятларга эга. Ҳар бир тилдаги ранг тушунчаси ва ранг атамалари муаммоси қўплаб тилшунослар томонидан турли нуқтаи назардан ўрганилган.

А.Вежицкаянинг (1996) таъкидлашича, рангнинг ҳар хил семантик гуруҳлари тиллар ва маданиятларга нисбатан барқарор бўлиши мумкин, чунки бизнинг умумий инсоний тажрибамизга асосланган

Lanny told briefly about this “red sheep” of his mother’s family. “There aren’t apt to be two American painters such active reds” (U.Sinclair). Бу ерда қулғули самарадорлик black сифатини red сифати билан алмаштириш натижасида юзага келган. Аммо бу ерда бирламчи бирикиш бузилган ва натижада фантастик образ юзага келган, чунки кизил қўйлар бўлмади.

Шундай қилиб, маъно ўзгариши маънода силжишни билдиради, бу маънонинг торайиши ёки кенгайиши эмас. Ушбу семантик жараёнлар тушунча ҳажмининг ўзгариши билан боғлиқ. Хусусан, бу дастлабки структур-семантик тузилманинг тасвирий имкониятларини фаоллаштириш асосида аналогия воситасида фразеология ҳосил қилиш жараёнида ёрқин кўзга ташланади.

Фразеология тилда, тил эгаси саналган халқ маданиятини репрезентация қилиб асрлар оша яшайди. Фразеологик бирикларда репрезентация қилинадиган концептларнинг маданий хусусиятларини ўрганиш маданиятлараро фарқларни тадқиқ қилишда зарур бўладиган баҳолаш ва қадриятларни тизим сифатида ўрганишга, кишиларнинг менталитети ва дунёқараши ўзига хослигини аниқлашга имкон беради.

фундаментал концептуал моделлар бир хилдир. Ҳар бир халқда дунёни идрок этишнинг ўзига хос хусусиятларини белгиловчи миллий рамзлар мавжуд, ва бунда вазиятнинг стандарти, стереотипи фақат маълум бир этник-маданий жамият учун маълум аҳамиятга эга. А.Вежицкая ўзининг «Обозначение цвета и универсалии зрительного восприятия» (1996) номли илмий ишида ранг номларининг маъносини аниқлаш, инглиз, поляк ва рус тиллари мисолида “оқ”, “қора” ва бошқа рангларига киритилган маънони тадқиқ қилган. У ўз тадқиқотларининг натижасига қура қўйидаги ранглар учун табиий прототипларни аниқлаган: қора - тун, оқ - кундуз (қорадан фарқли ўлароқ), кўк / оч кўк - сув, осмон, яшил - табиат, ўсимлик, сариқ - қуёш, қизил - олов, қон, жигарранг - тунроқ. Шундай қилиб, санаб ўтилган ранг номларининг ҳар бирида коннотациялар ўша табиий прототипларни ва улар она тилида сўзлашувчиларда уйғотадиган ҳиссий фонни ўз ичига

олады [1:282].

Ранг инсон ҳаётининг ажралмас таркибий қисми сифатида дастлаб воқеликни билиш, атроф-муҳитни сифат ва баҳолаш жараёнларида, унинг муҳим қисмларини рамзий қилиш ва концепциялашда муҳим рол ўйнади. Маданиятнинг таркибий қисми сифатида ранг вақт ўтиши билан турли хил аксиологияларнинг маънолари ва коннотацияларининг мураккаб ва хилма-хил тизимига эга бўлди.

Жарқинбекованинг таъкидлашича, тилларни таққослашда аниқланган рангнинг вербализациясидаги фарқлар лингвистик бирликларнинг шаклланишида ҳукмронлик қилувчи омиллар перцептив-физиологик омиллар эмас, балки маданий сабабларга кўра тоифаларга ажратишда жамоавий этник онг ишининг омиллари эканлиги билан боғлиқ [2:109].

Инсон онгида рангга оид маъноларнинг келиб чиқишини кўйидагича таърифлашимиз мумкин. Биринчидан, биз рангнинг воқелик объектига нисбат бериш натижасида юзага келадиган табиий ассоциациялар натижасида ҳосил бўлган маъноларни ўрганамиз. Ранг бу рангга эга бўлган табиат ҳодисаси ёки объекти билан боғлиқ. Бундай маънолар вақт ўтиши билан ўзгармайди ва маданиятга камроқ боғлиқдир. Мисол учун, **қора** ранг **қумир** билан, **оқ** эса **қор** ва **туз** билан боғлиқ бўлиши мумкин. Иккинчидан, биз маданий белги бўлган мураккаб табиатга эга ва одамларнинг менталитетига боғлиқ маъноларни киритамиз.

Ранг борасидаги илмий тушунчани билдирувчи ранг атамалари ҳар бир миллат луғавий таркибининг муҳим қисмини ташкил қилади. Бунда ранг номлари лингвوماданий хусусиятларга эга бўлиб, тилда акс этадиган лексика-семантика, фразеология, паремиологияни қамраб олади. Кўплаб вазиятларда қора ранг инсон психологиясида салбий коннотацияга, оқ ранг эса ижобий коннотациясининг кўрсаткичлари юқори эканлиги билан ажралиб туради. Аммо, рангнинг лингвوماданий жиҳатидан турли тиллар тизимида таҳлил этиш қайд этилган тушунчаларни инкор этиш мумкинлиги борасида мулоҳозаларни юзага келтиради. Бевосита, биз қиёсий тадқиқ этаётган қорақалпоқ тили ва ушбу этноснинг номланиши «**қара**» сифати «**қалпақ**» оти бирикмасидан ташкил топган. ва қорақалпоқ тили изоҳли луғатида «**қарақалпақ**» сўзи *Қорақалпоғистоннинг асосий аҳолиси тарзида* изоҳланади.

Инглиз халқи маданиятида **оқ** рангга берилган ижобий рамзий маънолар орасида асосий маънолар диний дастурлар билан белгиланади. Оқ лексемасининг таҳлил қилган луғатларга кўра кўйидаги семантик маъноларни ифодалайди: *поклик, беғуборлик, маънавият, идрок, нур, ҳаво, абадийлик, тозаланиш, яхшилик, севги, меҳрибонлик, тинчлик, ҳаёт*. Оқ ранг, шунингдек, янгиланиш ҳолатига ўтишни яъни никоҳ, сувга чўмиш, бошлаш маъноларини ҳам англатади. Аммо, оқ ранг ижобий маъно билан бирга салбий маъноларга ҳам эга бўлиб у *таслим бўлиш, қўрқоқлик, қўрқув, бўшлиқ*, ва ўлим маъноларини ифодалаши мумкин.

Инглиз маданиятида **қора** рангнинг рамзий маъноларини кўриб чиққанимизда бу рангга кўпроқ салбий семантик жиҳатларига эғалигини кўришимиз мумкин. Тадқиқ қилинган манбааларга кўра кўйидаги салбий маъноларга ажратилади: *ёмонлик, ҳалокат, йўқ қилиш, қайғу, умидсизлик, бахтсизлик*. Қора рангнинг семантик маъноси шунингдек *асл бўшлиқ, бўшлиқ, сир, жимлик, қайғу, тушкунлик* каби маъноларни ҳам ифодалайди.

Қорақалпоқ халқи маданиятида **оқ** рангга берилган ижобий рамзий маънолар орасида асосий маънолари бу халқнинг яшаш турмуш-тарзи, чарвочилик ва деҳқончилик маданияти билан белгиланади. Оқ

сўзининг қорақалпоқ тилидаги ижобий маънолари *яхши, тоза, ҳақ, ҳалол, ёмонлиги йўқ, беғуноҳ, айбсиз, оқарган (сут, қатиқ)*, салбий маънолари эса *доқ, кир* ва ўлим хисобланади. Қорақалпоқ маданиятида **қара** рангнинг маъноларини ўрганганимизда унинг салбий қийматлари катта улушга эга эканлигини ўргандик. Луғатлардаги манбааларга кўра қора ранг кўйидаги асосий маъноларни ифодалайди: *чарпа, йирик мол, қайғу, умидсизлик, бахтсизлик*.

Қорақалпоқ тилида «**ақ**» ва «**қара**» лексемаларининг асосий семантикасида инглиз тили каби оқ ранг ижобий, қора ранг эса салбий маъноларини ифодалашини кўришимиз мумкин. **Масалан:**

Колхоздың фермасында ислеўге келисип теңиз таманға көшкен бес хожалықтың бәри де Нуржан ғарры сыяқлы ақ кеўил адамлар еди [5:14].

Ғаррылардың биразы уйқыдан жаңа турғандай болып оған ақ пәтиясын берди [6:8].

— *Әй жүзү қара залымлар, — деди де Әбди Жумағұлдың қасына барып басын сүйеди* [8:147].

Аммо, қорақалпоқ тилида оқ рангги ижобий маъносидан ташқари салбий маънода, қора рангги эса ижобий маъноларида ҳам қўлланилади. Масалан, қорақалпоқ тилида «**ақ түсиў**» сўз бирикмаси кишининг кўзига бир нарса тушган, сочи оқарган деган салбий маъноларни англатади. Шунингдек, қорақалпоқ маданиятида дафн маросимида оламдан утган кишини оқ кийинтиради. **Масалан:** *Машинадан түскен врач Периханның көкирегине қол басып азғана турды да: — Кешигиппиз! — деп бетине ақ жаўды* [5:67].

Қора рангига келсак, эрта даврларда қорақалпоқлар таомни уюқда қора қозонда пиширган. Бу ерда «**қара қазан**» сўз бирикмаси ижобий маънони ифодалаб келган. Масалан: — *Бизлер мынаў ошақтың, қара қазанның ийесимиз* [8:246].

Эрта даврлардан қорақалпоқ халқи чарвадор ва деҳқон халқ бўлган ва шунинг тасири натижасида **оқ** ва **қора** лексемалари иштироқда қўлланиладиган янги сўз бирикмалари ривожланиб борган. Қорақалпоқ тилида **ақ** сўз бирикмасининг кўпчилик қисми ўсимлик номига боғлиқ бўлса, **қара** сўзи қўлланилган қўшма отларнинг кўпчилиги хайвонотлар билан боғлиқ эканини кўрамыз. **Масалан:**

Усимликлар: *ақ бас, ақ бийдай, ақ егин, ақ порық, ақ тал, ақтерек, ақтикен*

Хайвонлар: *қарабайыр, қара жал, қара жорға, қаракер, қарақулақ, қарамал*

Бу шуни кўрсатадики, қорақалпоқ маданиятида **оқ** ранг *деҳқончилик* рамзи хисобланса, **қора** ранг *чарвочилик* рамзи хисобланади.

Икки тилда ҳам ранг реал ҳаётда ўзига хос жисмоний ҳодисани ифодалайди. Инглиз халқи маданиятида **қора** рангдаги кийим мотам билан боғлиқлигини кўришимиз мумкин. Шунинг билан бирга, қора кийим яъни костюм-шим расмий ишхонада киядиган ижобий маънони ҳам ифодалаши кўзатишган. Шунинг учун қора кийим *мотам* ёки *расмий кийим* бўлиши мумкин. Масалан:

So for my interview, I selected a long, chunky wool skirt that I bought at the thrift store and a polyester white blouse with puffy sleeves. [11:13].

I've only squeezed out a single tear the entire day, and that was when I saw Cecelia dressed in a simple black dress I bought her for the funeral [11:279].

Her mentor and employer at that time, Joanna Hunter, had gone to work every day as a GP in a black suit [10:56].

Қорақалпоқ маданиятида қора бош кийим яъни **қора қалпоқ** бу қорақалпоқ миллатининг миллийлигини кўрсатувчи миллий бош кийими хисобланади. Шуни айтиш жоизки, қорақалпоқ миллатининг қорақалпоқ

деб номланиши ҳам айнан шу қора қалпоқ деган бош кийими билан боғлиқ хисобланади.

Ғайып хан қалақтай қысық басына қара қалпақ кийип келипти. Бунысы қарақалпақтың дәстүрин қылғаны, қуёдың қуйрығындай сақалы көкирегине басылып, келте мойны бүгилип отырыпты [7:33].

Оқ либос одатда ҳар икки маданиятда ҳам ёш қизлар томонидан *беғуноҳлик* ва *тўй либоси* рамзи сифатида кийилади.

Инглиз тилида **black** ва **white** сўзларнинг **man** яъни одам маъносидаги сўз бирикмаси билан боғлиқлиги алоҳида эътиборга лойиқдир. Мазкур тилдаги **white man** иборасининг ижтимоий-маданий шартлилиги ўзига хос семантикада намоён бўлади. **white man** шунақаи оқ танали одам эмас, оқ ирқнинг вакили. Инглиз тили одатда қора рангнинг ёмон нарса билан, оқнинг яхши нарса билан аъъанавий маъноси билан тавсифланади. Масалан: *black sheep* - унинг учун шармандалиқ хисобланган оила ёки ғуруҳ аъзоси, *black market* – қора базор, *blackmail* – шантаж, *black soul* – қора дил. Бу иборалар ёмонлик билан боғлиқ хисобланади. Бундан ташқари, бу мотам ранги, ўлим рангидир.

Оқ - бу дунёнинг ранги, келиннинг тўй либосининг ранги, яхши ва соф ҳамма нарсанинг ранги. Ҳар қандай тилдаги фразеологик тузилмаларга таъаллуқли тадқиқотлар марказида маълум бирикмалар англатадиган маъно таҳлили ётади. Ушбу бирикмаларда иштирок этадиган бирликларнинг ўзаро боғланиши маъно ёки мазмунни ёритишига қаратилади. Ушбу турдаги бирикмалар таҳлилда муҳим ўрин тутадиган бирикмалар сифатида паремиологик бирикмалар муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг таҳлили лексик-семантик, когнитив, синтактик, структуравий, ижтимоий-лингвистик, прагматик, лингвوماданий сатҳларда олиб борилиши билан ҳам тадқиқотчиларнинг кўпчилиги эътиборида бўлиб келмоқда [4:105].

Биз ўз ишимизда паремиологик бирикмаларида ранга таълуқли лингвوماданий хусусиятга эгалигини кўзатдик. Улар ҳар бир маданиятнинг урф-одатлари, қадриятларини тилда акс эттирувчи асосий восита саналади. Тадқиқ қилинаётган тиллардаги паремиологик бирикмаларда оқ ва қора ранглари ўз ичига олган ва улар инсон ҳаётида турли соҳаларини, кундалиқ ҳаётини, турмуш тарзи ва характери, теварак-атрофдаги олам ҳодисаларига қарашларини ифодаловчи мақоллар мавжудлиги кузатилди.

Инглиз ва қорақалпоқ тилларидаги оқ ва қора ранг бирликларида мақоллар ва паремиологик бирикмаларни субъект ва объект ўртасидаги муносабатларда акс этади. Ушбу сифатдаги ранг ифодаловчи тузилмаларда лексик бирликлар аҳамиятли саналади. Бу борада паремиологик бирликлар билан қўлланилган ранг англатувчи тузилмалар коммуникатив-прагматик вазифаларни бажаради. Шу нуқтай назардан таниқли тилшунос Ш.Сафаровнинг таъкидлашича: “Нутқий тузилмалар мазмундаги семантика ва прагматика муносабатини ҳосил қилувчи омиллар ҳақида гап кетганда, одатда, луғавий бирликларнинг вазифаси муҳокама қилиниб, грамматик воситалар назардан четда қолади. Аслини олганда, грамматик воситаларнинг ҳам семантика ва прагматика ҳудудларидаги вазифавий тақсимооти ўзига хос кўринишга эга [3:94]. Ранг ифодаловчи паремиологик бирликлар шахслар ора суҳбат жараёнининг ажратиб бўлмас бўлаги сифатида баҳоланади.

Инглиз ва қорақалпоқ тилларида қўлланиладиган оқ ва қора ранг ифодаловчи паремиологик бирикмаларни таҳлил қилганимизда, уларнинг бир-бирига ўхшаш

хусусиятларини кўзатишимиз мумкин. Масалан: 1. *Арпа, бийдай ақ болады, Сары қауын қақ болады.*; 2. *Сорлы жигитке сортақ жер тап болады, Егини көгермей ақ жоқ болады.*; 3. *Жаз ақсыз болмас, Гүз көксиз болмас.*; (*Қорақалпоқ мақоллари*)

Қорақалпоқ тилида қўлланилган мақоллардаги **ақ** болады, **ақ** жоқ болады, **ақсыз** болмас каби парамеиологик бирикмаларда субстантивлашган **ақ** сифати озик-овқат семантикасини ифодалаб келган. Бу шуни кўрсатадики, қорақалпоқ тилидаги «ақ» лексемаси ижобий хусусиятга эга бўлиб, шу халқнинг эрта даврдан деҳқончилик билан шуғилланганини кўрсатади.

Инглиз тилида оқ ва қора ранг ифодаси қўлланилган мақолларда ижобий ва салбий хусусиятлар семантикасини кузатишимиз мумкин. Масалан: **Black cows give white milk.**; **Out of a white egg often comes a black chicken.**; **There's a black sheep in every flock.** (*Инглис мақоллари*)

Берилган мисолларда инглиз маданиятида қора ранг ёмонлик, ёвузлик каби салбий семантикага эга бўлишига қарамастан, ҳар бир ёмоннинг қандай да бир яхши фазилати борлиги ифодаланган. Иккала тилда ҳам оқ ва қора ранг бирликлари ижобий ва салбий ифодага эга бўлиши мумкин. Бу инсоннинг ички туйғу ва ташқи кўриниши, яшаш тарзи ва атрофдаги ҳодисаларга нисбатан рухий ҳолатини ифодалашда фаоллашади.

Қорақалпоқ мақолларида оқ ва қора ранг бирликлари

Ижобий	Салбий
1) Есабың ҳақ болса, Жүзиң ақ болар.	1) Қардан да ақ нәрсе жоқ, Усласан қолың тоңдырар.
2) Қазаннан қара нәрсе жоқ, Ишсең қарның тойдырар.	2) Мийнетсиз өмир – қара көмир.
3) Биринши байлық – ден саўлық, Екинши байлық – ақ жаўлық.	3) Жақсы қатын ерин ер қылады, Жаман қатын ерин қара жер қылады.
4) Ер болсаң елинди бақла, Елдин берген дузын ақла. Достың сырын бекем сақла.	4) Өзи қаралының үйи жаралы.
	5) Қорқаққа күндиз де қараңғы.
	6) Маңлайы қараның аўзы асқа тийсе мурны қанайды.

Инглиз мақолларида оқ ва қора ранг бирликлари

Ижобий	Салбий
1) The white, undefiled mind of a child, is like the rich soil in your garden — both - are - the subjects, of very careful planting, of the first seeds.	1) There's a black sheep in every flock.
2) As white as the driven snow.	2) A white wall is the fool's writing paper.
3) A black man is a jewel in a fair woman's eye.	3) He who blackens others, does not whiten himself.
4) A black shoe makes a merry heart.	4) Every bean hath its black.

Инглиз ва қорақалпоқ тиллари мақолларидаги ранг бирликларида инсоннинг ҳаракати, хулқ-атвори, ҳаётий ҳолатлари ва шахсий хусусиятлари турлича ифодаланган. Паремиологик бирликларнинг бир қисми сифатида ранг рамзийлиги бўлган тил бирикмалари маълум ҳодисалар билан ассоциациялар асосида ўз маъносини топади.

Адабиётлар

1. Вежбицкая А. Язык. Культура. Познание. - М.: Русские словари. 1996. -С. 412.
2. Жаркынбекова Ш.К., // Проблемы вербализации концептов в семантике языка и текста: материалы междунар. симпозиума, Волгоград, 22-24 мая 2003 г. - 4.1. - Волгоград: 2003. - С. 10-114.
3. Сафаров Ш. С., Прагмалингвистика. - Тошкент: 2008. 94-б.

4. Musayev A.A., diss. Kauzativ konstruksiyalarning kognitiv va lingvopragmatic tahlili (ingliz va qoraqalpoq tillari misolida). - Nukus: 2023. 140-b.
5. Кайыпбергенов Т. Тэнхэ өзине мәлим сыр: Повестьлер хэм публицистикалык макалалар - Нөкис: «Қарақалпақстан», 1991. 14-6.
6. Пиржанов У. Ақ тал астындағы ақшам. «Билим» 2015, 8-6.
7. Кайыпбергенов Т. Қарақалпақ дәстаны. Маман бий эпсанасы. – Нөкис: «Билим», 2018. 512-6.
8. Кайыпбергенов Т., Шығармалары 5 томлық. 4-том, Қарақалпақ қызы романы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1980. – 500 б.
9. Кайыпбергенов Т. Қарақалпақпан. Тәуекелшимен романы. – Нөкис: «Билим», 2003. 528-6.
10. Kate Atkinson, Big sky, e-book, <https://www.goodreads.com/book/show/43107933-big-sky>, -P.56.
11. Freida Mcfadden, The Housemaid, e-book, <https://www.goodreads.com/book/show/60556912-the-housemaid>, -P. 13.
12. Қарақалпақ фольклоры. Т.88-100. – Нөкис: «Илим», 2015. 544-6.
13. Martin H. Manser, The Facts On File Dictionary of Proverbs. -New York: 2007. –P. 513.

СРАВНИТЕЛЬНОЕ ИЗУЧЕНИЕ АНГЛИЙСКИХ, УЗБЕКСКИХ И КАРАКАЛПАКСКИХ ПРОВЕРБИАЛЬНЫХ ОБРАЗОВАНИЙ В ТЕКСТАХ ХУДОЖЕСТВЕННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ

Н.М.Жалғасов – старший преподаватель

Нукусский государственный педагогический институт имени Ажсинияза

Таянч сўзлар: инсон, мақол, паремнологик бирлик, прагматика, миллий-маданий хусусияти, муқобил, аналог.

Ключевые слова: человек, пословица, паремнологическая единица, прагматика, национально-культурная специфика, эквивалент, аналог.

Key words: human, proverb, paremiological unit, pragmatics, national-cultural specifics, equivalent, analogue.

Культурно маркированное содержание языкового знака создаётся в ходе когнитивно-дискурсивной деятельности человека, которая начинается с замысла высказывания и выбора слов в соответствии с этнокультурными правилами построения речевого общения и заканчивается контролем за словопорождением или словоупотреблением. Особенно это важно помнить исследователям, занимающимися лингвокультурологическими проблемами художественного дискурса. Культурологическая составляющая когнитивно-дискурсивной деятельности заключается в том, что содержание употребляемого слова как бы создаётся заново. По сути дискурсия слушающего (или читающего) начинается с сопоставления означаемого (плана выражения) знака с образами соответствующих прототипов, а заканчивается осмыслением и интерпретацией соответствующих культурных концептов [1:196].

В данной статье проанализированы особенности употребления провербиальных образований сравнимых языков в художественном дискурсе.

Так, любого вида речепроизводство базируется на трёх видах предпосылок: во-первых, одно и то же содержание может иметь разную форму изложения, во-вторых, в текстопорождении действует, наряду с общечеловеческими законами производства коммуникативной деятельности, законы, характерные для отдельных социокультур, для носителей данного языка или данной группы людей и, в-третьих, при построении текстов необходимо учитывать их жанровые особенности [8:12]. Всё это обуславливает употребление провербиальных образований с определённой коммуникативной целью и для достижения прагматико-стилистического эффекта:

Мана шу йўл билан, яъни бир ўқ билан икки қуёни отасиз, - деди, - чунончи, фукаро тинчийди ва Абдулхайрхон [Мирмухсин]. В данном контексте прагматическое значение одобрения или совета актуализируется с помощью пословицы *Бир ўқ билан икки қуёни отмоқ* – Одной пулей двух зайцев убить.

Иногда жанр текста определяется его коммуникативно-прагматической функцией, где находит своё выражение авторская интенция [8:13]. Авторская интенция, связанная со структурой паремнологических единиц – частое явление в художественной литературе:

My lord: I stand rebuked. I am sorry: I can say no more. But if you prophesy that I shall be hanged, I shall never be able to resist temptation because I shall always be telling myself that I may as well be hanged for a sheep as a lamb [12:98].

Пословицы могут служить прототипами фразеологических единиц. В этом случае некоторые

компоненты пословиц либо заменяются другими словами, либо просто опускаются. Такие фразеологизмы часто являются авторской инновацией:

Johnny (shakes Chris by the hand): Speak of the devil, we was just talkin' about you. Прототипом данной фразеологической единицы является пословица *Speak of the devil and he is sure to appear* – Лёгко на помине.

Заметим, что пословицы в художественном окружении несут не только «теоретический заряд», но и реализуют свой глубокий смысл на практике: *Баланд дорга осилма* – Не по себе берёзу ломить (часто о парне из простой семьи, сватающемся к девушке из богатой семьи) [7:26]:

- Сиздақа йигит олдида мен нима бўлибман. Сиз бемалол баландрок дорга осилаверинг!. В данном отрывке отрицательная форма пословицы (*осилма* “не вешайся”) изменилась на положительную (*осилаверинг* – “можете вешаться”), что также является авторской интенцией.

В контексте пословица может изменять грамматические формы составляющих компонентов, исходя из времени, наклонения и залога основного глагола. Так, в следующем контексте изменилось время, залог и даже модальность глагола:

If you're, George, you'll go to your office and write me your check for three hundred thousand dollars... You can't be hung more for a sheep than you can for a lamb [10:210].

Самым главным достоянием в жизни человека является его здоровье, о чём говорят пословицы, приобретающие большую популярность в художественных текстах:

Киш келса, Ментонага даволангани бормасам сира бўлмай қолади. Соғлигинг – давлатинг, бошқаси ҳеч нарсаса арзимади! [2:15].

Мудрые пословицы учат человека использовать подходящий момент для совершения какого-либо действия:

Бир оз жимликдан сўнг у деди: - Жин урсин, темирни кизигида босиш керак! [2:77]. Вот другой отрывок с употреблением этой же пословицы:

- Мана кўрарсиз, ҳеч ким ҳеч нарса демайди, - деб ишонтирди хоним. – Фақат темирни кизигида босиш керак. Пайсалга солиш ярамайди [2:243].

Сплочённость людей – яркий девиз паремий: *Бир ёқадан бош чиқариб* – (одобр.) Все как один [7:37]: Биз ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб, колхозга ёрдам берайлик, - деди у.

В узбекских и каракалпакских текстах обнаружены паремии с национально-культурной спецификой, которую невозможно передать на другой язык подобной пословичной структурой: *Бир магизни қирқ*